

ИНВЕСТИЦИОН МУХИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ  
АСОСИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Мустафақулов Шерзод Игамбердиевич<sup>1</sup>*

*<sup>1</sup>Халқаро нордик Университети ректори,  
иқтисод фанлари номзоди, профессор*

*Элибаева Азиза Фарход қизи<sup>2</sup>*

*<sup>2</sup>Кўқон Университети 4 курс талабаси*

**Аннотация** Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлига ўтган даврдан бошлаб ижтимоий-иқтисодий сиёsatни амалга оширишда давлат раҳбари ва ҳукумат томонидан ҳар томонлама чуқур ўйланган тизимли ислоҳотлар босқичма босқич амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларда иқтисодиётни модернизациялаш, бунинг учун эса фаол инвестицион сиёsat юритишнинг ўрни жуда муҳимдир.

Шунга кўра, Республика ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқаришнинг самарали тизимини яратиш, уларнинг инвестицион муҳит жозибадорлиги, салоҳиятини баҳолашнинг назарий ва методологик асосларини тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур диссертация мамлакатда инвестицион муҳит жозибаси унинг ривожи учун қанчалик таъсир этиши ва аҳамиятининг таҳлили баён этилган.

**Калит сўзлар;** *Инвестицион жозибадорлик, инвестицион муҳит, инвестиция оқими, инвестицион сиёsat, инфратузилма, инвестицион салоҳият, инвестицион имидж, инвестицион иқлим.*

**Abstract** Since the transition of our country to the path of independent development, the head of state and the government have been gradually implementing well-thought-out systemic reforms in the implementation of socio-economic policy. The analysis of the ongoing socio-economic changes in our country shows that the modernization of the economy, and for this the role of active investment policy is very important in the achievements and successes.

Accordingly, it is important to create an effective system for managing the socio-economic development of the regions of the Republic, the application of theoretical and methodological bases for assessing the attractiveness and potential of their investment climate. This dissertation analyzes the impact and importance of the investment climate in the country for its development.

**Keywords;** Investment attractiveness, investment environment, investment flow, investment policy, infrastructure, investment potential, investment image, investment climate.

**Кириш.** Ривожланаётган мамлакат қаторида Ўзбекистоннинг ҳам барқарор ривожланишга эришиш мақсадида олдига қўйган устувор вазифалари қаторида, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, улардан самарали фойдаланиш асосида миллий ишлаб чиқаришни ҳам кучайтириш масалалари турибди. Мамлакатимиз президенти томонидан доимий равишда илгари суриб келинаётган ташаббуслардан бири бу мамлакатда инвестицион муҳитни яхшилаш, жозибадорликни ошириш, натижада тўғридан-тўғри ҳамда портфел инвестицияларни жалб қилиш, хақаро инвестиция банклари ҳамда фондлар билан фаол ҳамкорликни ривожлантириш вазифаларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4-феврал куни Германия, Франция, Хиндистон ва Бирлашган Араб Амирликлари билан икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш, яъни, қабул қилинган инвестицион «йўл харита» ларини сўzsиз ижро қилиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Бу ҳақда президент матбуот хизмати хабар қилди.

2019-йил мамлакатимизда «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш иили» деб эълон қилинди. Бу соҳадаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ташкил қилинди.

«Инвестиция билан шуғулланувчи кадрлар етишмайди. Инвесторлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, мавжуд инфратузилмани ривожлантириш зарур. Шу боис бу соҳа бўйича ҳали яна кўп ишлашимиз, изланишимиз керак. Ташқаридан инвестиция кирмаса, мамлакат ривожланмайди» – дейди мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев<sup>1</sup>.

Инвестиция муҳити ҳамда унинг жозибадорлиги масаласи бугунги кунда мамлакатлар иқтисодий тараққиёти ва барқарор ривожланишидаги муҳим омиллардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Умуман олганда, инвестиция тушунчаси - бу иқтисодий жараёнларни самарали амалга ошиши, ишлаб чиқаришни ривожлантирувчи, мамлакат иқтисодий қудратига таъсир этувчи, асосий концепциялардан биридир. Барча мамлакатлар инвестиция жалб қилиш, инвестиция орқали кириб келувчи молиявий маблағлар, инновацион янгиликлар, технологиялар ва бошқарув услубларидан манфаатдор ҳисобланиши қўпчилик учун маълум. Инвестициянинг яна бир муҳим ижобий таъсири сифатида, янги

<sup>1</sup> "Тараққиёт Стратегияси" маркази, 2019 й.

иш ўринлари ҳосил қилиниши ҳамда мавжуд ишсизликни қисқартиришга самарали натижа беришини келтириш мумкин.

Жумладан ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг тез суръатларда ривожланишига эришиш масаласи, кўп жиҳатдан хорижий инвестицияларни жалб қилиниши, улардан самарали фойдаланиш жараёнларига боғлиқ ҳисобланади. 90-йиллардан бугунги кунгача, жумладан, 20-30 йиллик давр мобайнида, иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли тараққиёт босқичларини босиб ўтган кўп сонли мамлакатлар тажрибасини ўрганиш давомида маълум бўлишича, хорижий инвестиция бирламчи омил сифатида муҳим рол ўйнаганини кўриш мумкин. Мисол учун, Хитой, Ҳиндистон, Тайван, Жанубий Корея, Малайзия, Индонезия, Гонг Конг, шунингдек қўшни Қозоғистон мамлакатларининг иқтисодий тараққий этиши жараёнларини таҳлил қилиш юқоридаги фикрни тасдқилайди.

Инвестиция жалб қилинишида мамлакатдаги бизнес муҳитини яхшилаш, яъни эркин фаолият юритувчи табиркорлик шароитларини вужудга келтириш, соф рақобатга асосланган бозор механизмларини ривожлантириш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан тадқиқот саволи мамлакатимизда инвестицион жозибадорликнинг ошириш масалаларида устувор вазифалар нималардан иборат ҳамда бу мақсадларни самарали ташкил қилишнинг хорижий тажрибаларидан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётининг бош тамойили бу иқтисодий жараёнларнинг бозор томонидан тартибга солиниши ҳисобланади. Бунда бозор фаолияти эркин, нархга сунъий таъсирлар мавжуд бўлмаган, тадбиркорлик фаолияти инновация, илмий изланишлар ва техник юксалиш асосидаги кучли рақобат муҳитининг мавжудлиги билан ифодаланади.

**Методология.** Мақолада натижаларни солиштириш, таққослаш, индукция, дедукция, позитивизм, экспериментлар ва сўровномалар, натижаларни танланмадан популяцияга қараб умумлаштириш, свод таҳлили ва турли йўллардан фойдаланилади.

Шу билан бирга, амалга оширилаётган тадқиқот парадигмаси Позитивизм бўлиб тадқиқотда, сифат, объектив, илмий тажрибалардан фойдаланилади. Жараён асосан дедуктив усулда бўлади. Сабаб ва натижа кўринишидаги статистик дизайн ишлатилади. Тадқиқот маълум вазиятларни ўз ичига олади. Натижаларни умумлаштиришлар башорат қилишга, тушунтиришга ва тушунишга олиб келади. Натижаларни ишончлилиги текширувлар орқали тасдиқланади.

Давлатда инвестицияга оид барча муаммо ва ислоҳотлар, давлатнинг инвестицияларни қабул қила олиш ва шу билан параллел равища уни керакли

даражада ҳазм қила олиш, ликвидлиликни, барқарорликни таъминлаш борасида хар қандай турдаги методлардан қулланилади. Инвестицион мухит жозибадорлигининг иккинчи таркибий қисми – инвестицион риск (хатар) ҳисобланади. Унинг даражаси инвестицияларни ва улардан олинадиган даромадларни йўқотиш эҳтимолини курсатади. Республиканинг у ёки бу худудида ушбу хатар умумиқтисодий (худуднинг иқтисодий ривожланишидаги тенденциялари), молия валюта (худуд бюджети ва корхона молиясининг баланслашган даражаси), сиёсий (Президент ва Парламент сайловлари натижаси бўйича аҳолининг руҳий ҳолати, кайфияти, маҳаллий бошқарув органларининг қонунга риоя қилиши), қонуний-ижтимоий (ижтимоий тенгликнинг даражаси), экологик, жиноий ва бошқа омиллар билан белгиланади.

Мақолада илмий билишнинг индукция, дедукция, синтез, диалектик, таҳлил, мантиқийлик ҳамда тарихийлик каби усуллар орқали муаммони очиб беришга ҳаракат қилинади.

Тадқиқотни амалга оширишда тизимли ёндашув, гурухлаш, қиёсий, иқтисодий таҳлил ва таққослаш усулларидан фойдаланилди. Мазкур усуллар орқали муаммонинг туб моҳиятини очиб бериш, таъсир этувчи омилларни аниқлаш, умумийликдан соддалаштирилган тартибда таҳлил ўтказиш имкони мавжуд. Юртимизда инвестицион жозибадорлик борасидаги ислоҳотларнинг аҳамияти, эришилган натижалар ва амалага оширилиши лозим бўлган ислоҳотларнинг самарадорлигини тадбиқ этишда юқоридаги илмий тадқиқот усуллари мухим аҳамият касб этади.

Инвестицион жозибадорликни аниқлаш масаласида мавжуд камчиликларни аниқлаш, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, иқтисодий ривожланишга таъсирини таҳлил қилиш ва мавжуд муаммоларга ечим ҳамда хulosалар таклиф қилишдан иборат. Шунингдек, тадқиқотнинг яна мухим мақсадларидан бири амалий мисоллар ва тажрибалар асосида хорижий инвесторларнинг фаолияти доирасидаги қизиқишлиари ва инвестиция киритишда дуч келаётган ёки иккиланаётган сабабларнинг асл моҳиятини тушуниш ҳисобланади. Очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция мухитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича аниқ чоратадбирлар амалга оширилиши бугунги олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун моҳиятини ўзида акс эттиради. Ёшларга муносиб таълим бериш, илмий ҳамда ўқув жараёнлари сифатини тубдан яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган ишларни янги босқичда давом эттириш, давлатимиз президентининг бирламчи ташабbusлари қаторидан ўрин олган.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда инвестиция бўйича етук мутахассисларни етиштириш, таълим тизимида илмий салоҳиятни ошириш

ҳамда халқаро университетлар, тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик асосида самарали инвестицион ислоҳотларни жадаллаштириш мухим вазифалардан бири ҳисобланади.

Инвестицион жозибадорликни таъминлаш, хар бир мамлакатда унинг узлуксиз таъминотини таъминлаш, инвестицион иқлимин комплекс яхшилаш, инвесторларни фаолиятини максимал даражада юқори савияга кўтариш ва миллатлараро бўлиб ўтадиган инвестицион интеграцияни ислоҳ этиш борасида бир қанча олимлар бир неча ўн йиллардан бўён изланишлар олиб бормоқда.

Бенжамин Граҳам<sup>2</sup>, Эдвин Лефервир<sup>3</sup>, Кругман Р.<sup>4</sup>, Жон Ч. Богле<sup>5</sup>, Хан М.С.<sup>6</sup> ва Виллануева Д. ҳамда бошқа кўплаб ғарб олимлари инвестиция йўналишида самарали тадқитот олиб бораётган олимлар ҳисбланиб, инвестициянинг миллий иқтисодиёт тараққиётига таъсири, унинг самарадорлигини баҳолаш, инвестициянинг илмий ривожланиш ва технологик ўсищдаги аҳамияти борасида улкан изланишлар олиб боришимоқда. Жумладан Аскинадзи Б<sup>7</sup>. ва Максимова Ф., Зимин А.И., Игорь Клюшнев, Тамара Теплова, Дмитрий Панченко, Манн, Иванов, Фербер<sup>8</sup> ва бошқа кўплаб олимларнинг тадқиқотлари инвестициянинг жозибадорлигини ошириш йўлларининг илмий назарий асослари ҳамда амалий тажрибаларига доир чуқур билимларни ўзида мужасам этган.

Мазкур олимлар тадқиқот йўналишлари инвестиция самарадорлигини ошириш масаласида шарқ ва ғарб тажрибаларини уйғунлаштириш, миллий манфаатлар нуқтаи назаридан ёндашиш ҳамда инвестиция билан боғлиқ сиёсий омилларни ҳам таҳлил қилишни ўз ичига олганлигини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон иқтисодиётининг худудий ривожланишини тартибга солиши, регионал ривожланишнинг асосини ишлаб чикиш ва методологиясини яратиш бўйича илмий тадқикотлар олиб борган маҳаллий олимлардан: Сайдова Г.К., Содиков А.М., Ғуломов С.С., Имомов Ш.Б., Мустафакулов Ш., Назаров Ш.Х. ва бошкаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ҳеч қайси мамлакат ривожланган давлатларнинг амалиёти ва назариясини ўрганмасдан туриб, жаҳон ҳамжамиятидан айри ҳолда ривожланмайди. Шундай

<sup>2</sup> Benjamin Graham , Jason Zweig The Intelligent Investor: The Definitive Book on Value Investing. A Book of Practical Counsel Harper Business, February 2016.

<sup>3</sup> Эдвин Лефервир. Попурри Воспоминания биржевого спекулянта, 2018.

<sup>4</sup> Krugman P. Market Structure and International Trade –Cambridge, Mass: MIT press 1995.

<sup>5</sup> John C. Bogle The Little Book of Common Sense Investing: The Only Way to Guarantee Your Fair Share of Stock Market Returns (Little Books. Big Profits), Wiley publishing, 304 p, 2017.

<sup>6</sup> Khan M.S. and Villanueva D. Macroeconomic Policies and Long term Growth: A Conceptual and Empirical Review // IMF Working Paper, 2005.

<sup>7</sup> Аскинадзи, В. М. Инвестиции: учебник для бакалавров / В. М. Аскинадзи, В. Ф. Максимова. — Москва: Издательство Юрайт, 2019. — 422 с.

<sup>8</sup> Игорь Клюшнев, Тамара Теплова, Дмитрий Панченко, Манн, Иванов и Фербер Фондовый рынок США для начинающих инвесторов, 2016.

экан, ҳар бир давлат ишлаб чиқаришни намунали ташкил этиш, иқтисодиётда юкори кўрсаткичларга эришиш, аҳолининг ижтимоий турмуш даражасини ошириш учун хорижий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу борада у ёки бу мамлакатдаги инвестицион муҳит мухим аҳамиятга эга. Қаердаки қулай инвестицион муҳит мавжуд бўлса, ўша томонга иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи куч – инвестициялар оқими тезлашади.

**Таҳлил ва натижалар.** Жаҳон ҳамжамиятида глобализация жараёни кечмоқда. Глобализация жараёнига қўшилиш бу дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорликда бўлиш, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳадаги давлат сиёсатининг ўзаро манфаатли асосда бу давлатлар сиёсатига мос келишини билдиради.

Ривожланган давлатлар халқаро капитал ҳаракатини асосан капитал експорти-импортини миллий ва халқаро даражада рагбатлантириш орқали амалга оширадилар. Капитал қарзлар, портфел инвестициялар ва бошқа шаклда давлатлар ўртасида тузилган лойиҳалар асосида олиб бориладиган давлат сиёсати уларга нисбатан қўйилган барча чекловларни ёқ қилиш учун хизмат қиласди. Бошқа хорижий инвестицияларга нисбатан давлат ҳар қандай чеклашларни амалга ошириш ҳуқуқини оз зиммасида қолдиради, чунки бу миллий иқтисодий ҳавфсизлик билан бөглиқ. Шуниси аҳамиятлики, капитални четга чиқариш уни жалб қилишга нисбатан кам даражада тартибга солиниб турилади.

**Давлат тартибга солишнинг қўйидаги усусларидан фойдаланади:**

1. Молиявий: жадаллаштирилган амортизация; солиқ имтиёзлари; субсидиялар, қарзлар бериш; кредитларни суғурталаш ва кафолатлаш;
2. Номолиявий: ер участкаларини ажратиш, зарурий инфраструктура билан таъминлаш, техник ёрдам кўрсатиш.

Бу соҳада йирик капитал экспортери-импортери бўлмиш АҚШ тажрибаси жуда муҳимдир. АҚШ бошқа хорижий инвестицияларни тартибга солиш сиёсатини икки босқичда бажарилади: федерал, ҳамда маҳаллий (штатлар, округлар, шаҳарлар). Федерал тартибга солиш деганда хорижий инвестицияларга нисбатан чеклашлар тушунилади. Бунда миллий ҳавфсизлик масаласи биринчи ўринга кўтарилади. АҚШ президенти америка фирмаларининг қўшилиши, ютилиб кетилиши ва сотиб олиниши жараёнларини (агар бунда фирма фаолияти устидан назорат хорижий инвестор қўлига ўтса) тўхтатиб қўйиши ҳуқуқига эга.

Маҳаллий даражада суғурта бизнеси ва қишлоқ хўжалиги ерларини сотишни тартибга солиш орқали амалга оширилади. Трестларга қарши қонунларни давлат органлари томонидан қўлланилиши ҳам улкан аҳамият касб

этади. Уммуумий айтганда маҳаллий маъмуриятнинг хорижий инвесторлар фаолиятини тартибга солиш имкониятлари кичикроқ.

Инвестицияларни рағбатлантириш тажрибаси қўпроқдир АҚШга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг муҳим механизмларидан бири–хориждаги ваколатхоналардир. Улар инвестицияларни у ёки бу штатга жалб этилишига ёрдамлашади (Япониянинг ўзида шундай ваколатхоналардан 40 таси фаолият кўрсатмоқда).

АҚШнинг алоҳида штатларига хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш дастури қуидагиларни ўз таркибига олади: солиқ имтиёzlари; корхонани қураётган ёки модернизациялаштираётган хорижий инвестор учун бозордаги ставкалардан пастрок даражада қарзлар ва субсидиялар ажратиш; касбга ўқитиш ва бандликка кўмаклашиш; транспорт тармоғини ривожлантириш; ер участкасининг қурилиши учун тайёрлаш; текинга фойдаланиш учун ер участкасини ажратиш ва бошқалар.

Халқаро инвестицияларни тартибга солиш бўйича муҳим амалий ҳужжатлардан бири–Осиё–Тинч океани ҳамкорлиги ташкилоти доирасида ташкил этилган хорижий инвестицияларнинг “Кўнгилли кодекси”дир. Келажакда умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ) томонидан фойдаланилиши мумкин бўлган ушбу “кодекс”да қуидаги инвестицион тамоиллар қайд этилган:

Транспарентлик;

•донор-давлатларга нодискриминацион ёндашув;

•хорижий инвесторлар учун миллий режим;

•инвестицион рағбатларни соғлиқни сақлаш, ҳавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш билан мос тушиши;

•савдони ва капитал қўйилмалар ўсишини чегараловчи инвестицияларга бўлган чекловларни минималлаштириш;

•инвестицияларни экспроприация қилинишидан воз кечиш (бунда ижтимоий мақсадлар учун ва миллий қонунчилик доирасида, нодискриминация асосида, халқаро ҳукуқ қоидаларига амал қилган ҳолда ва етарли ва самарали компенсация тўланиши шарти билан экспроприация амалга оширилиши мумкин);

•рўйхатдан ўтказилиш ва конвертациялашувнинг таъминланиши;

•капитални олиб чиқишдаги тўсикларни йўқотиш;

•икки маротаба солиққа тортишни бекор қилиш;

•реципиент давлатнинг миллий қонунчилигига, маъмурий тартиб ва қоидаларига хорижий инвесторнинг амал қилиши;


•инвестицион лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ хорижий мутахассисларни давлатдан чиқишига ва вақтинча ташриф буюришига рухсат бериш;

•маслаҳатлар ва музокара ёки арбитраж ёрдамида келишмовчиликларни бартараф этиш.

Шунингдек четдан инвестицияларни жалб қилиш учун Россия ва Хитой саноатида кластерлашга катта урғу бериляпди. Франция давлати ҳам инвесторларни жалб қилиш мақсадида "Франция давлатини танланг" номи билан саммит ўтказади, бу саммитда 15 та миллат вакиллари иштирок этади. Бу 15 та давлатдан энг асосий вакиллар АҚШ ва Германия ҳисобланади.

Ривожланиш босқичи бўйича юқори кўрсаткичларни курсатган, ўзининг кенг тажрибаси ва интеллектуал салоҳиятининг юксаклиги бўйича дунё давлатлари ичида юқори ўринларда турадиган, аҳолиси сони унчалик ҳам катта бўлмаган, лекин компьютер дастурларини яратиш, телекоммуникация соҳасида салмоқли оброда эга бўлган, Жаҳон банки томонидан эълон қилинган ҳисботларда жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш бўйича (харид қуввати паритети бўйича) 3-ўринда турган, "Осиё йўлбарслари", деб аталадиганлардан бири бўлган Сингапур давлатида ҳам инвестицион муҳитни яхшилаш, унинг жозибадорлигини ошириш юзасидан бой тажриба тўплапган. Ушбу келтирилган расмдан биз кўришимиз мумкинки, жамғарилган ТТХИлар, 2018-2019 йиллар учун 20 та энг юқори рейтингга эга бўлган давлатлар орасида 5-ўринни Сингапур давлати банд қилган бўлиб, 2019-йилда 92 млрд. доллар ҳисобида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қабул қилган.

Келтирилган ютуқларга эришишининг асосий омилини қўйидагича изохласак бўлади: Сингнапур давлатининг ривожланиш йўли, қўлга киритган "иктисодий мўъжизаси" билан шуғулланган барча олимларнинг фикри бир муҳим нуқтага тақалади. Бу ҳам бўлса, Сингапурда қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги. Айнан ушбу ҳолат туфайли инвесторлар томонидан бу янги давлатга кўплаб лойиҳалар киритиш амалга ошди, ЯИМ ҳажми йилдан-йилга кескин ортиб борди. Хозирги кунда ҳам инвесторлар томонидан Сингапур давлатига ҳеч қандай иккиланишсиз капитал маблағлар йўналтириб келинмоқда. У ердаги инвестицион муҳит жозибадорлиги донор давлатларнинг доимий қизиқишини ортиб боришига сабаб бўлмоқда.



**1-расм. Жамғарилган ТТХИлар, 2018-2019-йиллар учун (20та енг юқори рейтингга ега бо'лган давлатлар мисолида), млрд долларда**

1-расм. Жамғарилган ТТХИлар, 2018-2019-йиллар учун (20та енг юқори рейтингга ега бо'лган давлатлар мисолида), млрд долларда<sup>9</sup>.


Инвестицион муҳитнинг соғломлиги, жозибадорлигини давлатнинг ижтимоий-иктисодий ахволини кўрсатувчи макроиктисодий кўрсаткичлар орқали ҳам аниқлаш мумкин. Жаҳон банкининг (ЖБ) классификациясига кўра, Сингапур давлати энг юқори даромадга эга бўлган давлатлар қаторидан жой олган. Инвестицион иқлимга таъсир кўрсатувчи муҳим кўрсаткмчлардан биттаси – инфляция даражасидир. Инфляция даражаси қанчалик паст бўлса, инвестицион жозибадорлик шунчалик даражада баланд бўлади.

2005-йилда Сингапурда инфляция даражаси 0,5 фоизни, 2019 йилга келиб эса 0,4 фоизни ташкил этди. Давлатнинг инвестицион муҳит жозибадорлигига баҳо беришда, бугунги кунда энг кўп тарқалган усуллардан бири бу – Doing Business индекси; Глобал рақобатбардошлиқ индексидир. Жаҳон банки гурухи ва Халқаро молия корпорацияси томонидан эълон қилиниб келинаётган Doing Business индексида Сингапур 190 давлат орасида 2 ўринни эгаллади. 2008-йилдан 2014 йилга қадар Сингапур бу индекисда 1 ўринни эгалаб келган бўлса, 11 йил мобайнида Сингапур ўртacha 1,45 ўриндан паст кўрсаткични қайд

<sup>9</sup> www.wto.org

этмади. Олиб борилган изланишлар ва ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, Сингапурда бизнесни очиш ва уни олиб бориш бўйича яратилган шароитлар ва юқори натижага эришишда давлат сиёсий тизимининг барқарорлиги, самарали иқтисодий сиёсат, юқори инвестицион имкониятнинг мавжудлиги ва инфраструктуранинг ривожланганлиги таъсир кўрсатган.

Глобал рақобатбардошлиқ индекси 141 та давлат бўйича қўйида берилган соҳалар юзасидан 0 дан 100 баллгача баҳоланиб, унинг ўртачаси чиқарилади. Булар қўйидагилар: институтларнинг сифати, инфраструктура, макроиктисодий барқарорлик, соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълим, олий таълим ва қайта тайёрлаш, товар ва хизматлар бозорларининг самарадорлиги, меҳнат бозорининг самарадорлиги, молия бозорларининг ривожланганлиги, технологик тараққиёт даражаси, ички бозор кўлами, компанияларнинг рақобатбардошлиги, инновацион салоҳият билан боғлиқ кўрсаткичлардан ташкил топган.



**2-расм. Глобал рақобатбардошлиқ индекси бўйича энг юқори рейтингга эга бўлган лидер-давлатлар, 2019 йил(балл: 0-100 ҳисобида)**

2-расм, Глобал рақобатбардошлиқ индекси бўйича энг юқори рейтингга эга бўлган лидер-давлатлар, 2019 йил (балл: 0-100 ҳисобида)<sup>10</sup>

4.3.2-расмдан биз кўришимиз мумкинки, 10 та юқори рейтингга эга давлатлар орасида Сингапур биринчи ўринда. Аниқ статистика маълумотларига назар соладиган бўлсак, саккиз йилдан буён Сингапур бу рейтингнинг етакчи ўринларидан қолмайди. Бу давлат глобал рақобатбардошлиқ индексининг 12 та кўрсаткичидан 4 таси бўйича 1 ўринни яъни булар: инфраструктура, соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълим, олий таълим ва қайта тайёрлаш, товар ва хизматлар бозорларининг самарадорлиги, 3 таси яъни институтларнинг сифати,

<sup>10</sup> www.wto.org

мехнат бозорининг самарадорлиги, молия бозорларининг ривожланганлиги бўйича 2-ўринни олади.

Қуйидаги натижаларни қайд этишига давлатда олий таълим тизимини ривожлантириш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича давлат томонидан олиб борилаётган чора тадбирлар таъсир қўрсатиб келмоқда. Юқоридаги тажрибаларни ўрганиш вақтида аниқ бўлдики, Хитой ва Сингапур давлатларининг хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш борасидаги тажрибаларини Ўзбекистон шароитида татбиқ этиш, улардан фойдаланиш келажакда давлатнинг бундан-да юқори суръатларда ривожланишини, аҳолининг даромад манбаи ортишини таъминлашга асосланади.

Жумладан, ушбу давлатлар каби Ўзбекистонни ҳам халқаро ташкилотлар томонидан ўтказиладиган сўровномаларда фаол иштирок этиши, жаҳон давлатларининг инвестицион жозибадорлигини қўрсатадиган рейтингларнинг барчасида хусусан, “Глобал рақобатбардошлиқ индекси”, “Глобал инновацион индекс” ва “Бизнес муҳити ҳафи индекси”ларида иштирокини таъминлаш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш келажакда инвесторларнинг инвестицияларни киритиш бўйича қарорларига яхши ёрдам беради. Чунки, хорижий инвестор бирор бир давлатга инвестиция киритишдан олдин, ўша давлатнинг инвестицион муҳити ҳақида асосли маълумотга эҳтиёж сезади. Албатта, энг ишончли манбалардан бири бу халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан юритиладиган индекслардир.

Ушбу индекслардан инвесторлар ўзларига керакли ва ишончли маълумотларни олишлари мумкин. Шундай экан, юқорида номи келтирилган индексларда Ўзбекистонни иштирокини таъминлаш, Ўзбекистоннинг инвестицион муҳитини хорижий инвесторларга намоён қилишда ижобий аҳамиятга эга.

Давлатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни ташкил этиш, реконструкция қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. У дастлаб, аҳоли бандлиги, уларнинг даромадларини ошириш каби муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш имкониятини яратади. Шунинг учун ҳам, давлатимизга хорижий инвестицияларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий ва молиявий тарафдан рағбатлантириш, уларга зарурий шароитларни барпо беришни давлат сиёсати даражасида олиб чиқиш ҳар жиҳатдан аниқ йўл ҳисобланади.

Зоро, давлат иқтисодиётининг етакчи соҳа ва тармоқларига хорижий инвестицияларни киритмасдан, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш,

шунингдек, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришни бошлаш мумкин эмас. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти қуидагилар билан белгиланади:

- махаллий ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларнинг амалиётга татбиқ этилиши таъминланади;
- республика иқтисодиёти учун янги бўлган замонавий касблар яратилади, қўшимча ва янги иш ўринлари ташкил этилади, иқтисодиётда бандлар сони ортади, аҳолининг даромади кўпаяди;
- аҳолининг меъёрдаги турмуш даражасини таъминлаш ҳамда ижтимоий-иктисодий эҳтиёжларини қондириш имконияти ортади;
- экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш кенгаяди. Бу эса, ўз навбатида, валюта тушумининг ривожланишига олиб келади;
- импорт ўрнини босувчи товар ва хизматлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади (валюта чиқиб кетишининг олди олинади);
- корхона ва ташкилотларнинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган ишлаб чиқариш қувватлари истеъмолдан чиқиб, моддийтехник базаси янгиланади, ресурслар унумдорлиги кўпаяди.

Юқоридагиларни хисобга олган холда, давлатимизда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, реал сектор корхоналарининг инвестиция фаолиятини тезлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини бажаришда, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга устуворлик қаратилмоқда. Бунинг учун, энг аввало, давлатнинг инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлаш талаб этилади. Айтиш лозимки, инвестициялар соҳасидаги мавжуд тенденцияларнинг давом этиши 2021-йилда иқтисодий ўсиш суръатларига (5,1% даражасида деб прогноз қилинмоқда) эришишга хавф солиши мумкин, бу иқтисодиётга жалб этилган инвестициялар ҳажмини сезиларли даражада оширишга қаратилган инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича амалий чораларни ва уларнинг самарадорлигини оширишни талаб қиласи.

Инвестицияларнинг асосий манбалари ҳисобланган давлат ташқи қарзи, тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари, кафолатланмаган хорижий кредитлар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, яна тижорат банклари кредитларининг ЯИМга нисбати 2019-йилда 23,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2020-йил якунига асосланган ушбу кўрсаткич ЯИМнинг 20,1 фоизини ташкил этди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг юқори технологияли ва инсон капиталига фаол йўналтирилмаслиги давлатда юқори даражадаги инклюзив ўсишга эришиш ва камбағаллик даражасини қисқартириш каби мақсадларга эришиш жараёнини хавфга қўймоқда.

1-жадвал.

*Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар<sup>11</sup> (2020 йил январь-сентябрь)*

	Млрд. сўм	ўсиш суръати %да	умумий ҳажмга нисбатан, %да	
			2019 й.	2020 й.
Жами	138106,6	91,3	100,0	100,0
<b>марказлашган инвестициялар:</b>	30178,7	70,3	28,5	21,8
-республика бюджети	8987,5	69,9	8,5	6,5
-Молия вазирлиги хузуридаги сув билан таъминлаш ва канализация тизимларини ривожлантириш жамгармаси	1365,5	99,7	0,9	1,0
-жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамгармаси	X	X	X	X
-тикланиш ва тараққиёт жамгармаси маблағлари	1365,7	20,7	4,4	1,0
-шу жумладан, млн.АҚШ долларида	137,4	20,2	X	X
-Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар	18460,0	83,4	14,7	13,3
-шу жумладан, млн.АҚШ долларида	1857,0	81,6	X	X
<b>марказлашмаган инвестициялар:</b>	107927,9	99,6	71,5	78,2
корхона маблағлари	37916,3	116,3	21,6	27,5
аҳоли маблағлари	12157,2	79,8	9,8	8,8
тўғридан-тўғри, бошқа ва кафолатланмаган хорижий кредитлар	38132,7	103,3	24,4	27,6
шу жумладан, млн.АҚШ долларида	3835,9	101,0	X	X
шундан:				
-тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	15086,1	63,0	15,9	10,9
шу жумладан, млн.АҚШ долларида	1517,6	61,5	X	X
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	19721,7	83,4	15,7	14,3

Қўйидаги жадвалга эътибор қаратадиган бўлсак, 2020-йилнинг январ-сентябр ойларида 138,1 трлн. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, уларнинг 63,7 % и ёки 88,0 трлн. сўми жалб этилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз

<sup>11</sup> <http://vobkent.buxogo.uz>

маблағлари ҳисобидан 36,3 % ёки 50,1 трлн. сўм молиялаштирилди. Барча инвестициялар ҳажмида, марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг улуши, ўтган йилнинг мос давридаги улушига нисбатан 6,7 % пунктга камайиб, 21,8 % ни ёки 30 178,7 млрд. сўмни ташкил этди. Мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 107 927,9 млрд. сўм ёки жами инвестицияларнинг 78,2 % инвестициялари ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичга нисбатан 6,7 % пунктга ортган.

2020-йилнинг январ-сентабр ойларида корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестициялар – 37 916,3 млрд. сўм ёки барча асосий капиталга инвестицияларнинг 27,5 фоизини эгаллади. Аҳоли маблағлари ҳисобидан жами асосий капиталга инвестицияларнинг 8,8 фоизи ёки 12 157,2 млрд. сўми ўзлаштирилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 15 086,1 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,0 % пунктга пасайиб, 10,9 % ни ташкил этди. Давлат инвестицияси ёки инвесторларни юритишида ишлаб чиқариш тармоқларини техник ва технологик таркиби ўзгартириш масалаларига ҳам эътибор қаратилади. Ишлаб чиқаришнинг таркиб топган тармоқларини қайта қуриш, замонавий ишлаб чиқариш воситалари билан қуроллантириш, бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир йўналиши бўлса, иккинчи йўналиши янги ишлаб чиқаришлардаги бевосита хорижий инвестициялар, яъни автомобилсозлик, электрон, электротехника саноати таркиб топмоқда. Қурилиш индустрияси, алоқа тармоқлари тизимида ва қишлоқ хўжалигига энг янги технологиялар жорий қилинмоқда.

2-жадвал.

**Иқтисодий фаолият тури бўйича асосий капиталга киритилган  
инвестициялар<sup>12</sup> (2020 йил январь-сентябрь)**

Йўналишлар	Млрд.	сўм умумий ҳажмга нисбатан, %да	
		2019 й.	2020 й.
<b>Асосий капиталга инвестициялар – жами</b>	<b>138106,6</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан иқтисодий фаолият тури бўйича:			
- қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги;	11971,8	8,4	8,7
-тоғ-кон саноати;	14186,7	8,1	10,3
- ишлаб чиқариш саноати;	44586,8	27,1	32,3

<sup>12</sup> <http://iqtisodiyot.tsue.uz>

- электр энергияси, газ, буғ ва конденцияланган хаво;	7881,2	11,7	5,7
- сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш;	2315,6	2,3	1,7
- қурилиш;	5608,0	5,6	4,1
- улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш;	6269,1	3,3	4,5
- ташиш ва сақлаш;	7437,4	5,5	5,4
-яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар;	1655,8	1,5	1,2
- аҳборот ва алоқа;	3494,5	1,6	2,5
- молия ва сугурта фаолияти;	1398,6	0,8	1,0
- касбий, илмий ва техник фаолият;	2366,0	1,4	1,7
- таълим;	3649,0	2,9	2,6
- соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш;	4080,0	2,2	3,0
- санъат, кўнгил очиш ва дам олиш;	2225,0	1,1	1,6
- турар-жой қурилишига инвестициялар;	13124,1	11,6	9,5
- бошқа фаолият турлари.	5857,0	4,9	4,2

Маълумотларни анализ қиласадиган бўлсак, асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида қайта ишлаш саноати етакчилик қилмоқда. Ушбу иқтисодий фаолият турида жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 44 586,8 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 32,3 % и ўзлаштирилган. Инвеститциялар таркибида энг кўп инвестициялар ўзлаштирилган 3 та фаолият турлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 11 186,9 млрд. сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуси 8,1 %)
- бошқа нометалл минерал маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 9 634,1 млрд. сўм (7,0 %); - металлургия саноати – 8 187,2 млрд. сўм (5,9 %).

Тоғ-кон саноатида жами 14 186,7 млрд. сўм ёки республика бўйича жами инвестициялар ҳажмининг 10,3 % и ўзлаштирилган бўлиб, унинг таркибидан 7,7 % и ёки 10 610,9 млрд. сўми хом нефт ва табиий газ қазиб чиқариш соҳасига қарашлидир. Давлатнинг ишлаб чиқариш салоҳияти, иқтисодий ривожланиш даражалари, моддий ва маънавий ишлаб чиқариш сифатлари ва ҳажмининг ўсиши, ишлаб чиқариш инфраструктурасининг тараққиёти кўп жиҳатдан инвестициялар ва инвестиция сиёсатига бевосита боғлиқ бўлади. Демак, инвестицион фаолиятнинг муҳим босқичи кўпроқ инвестицион сиёсатга

тегиши бўлиб, давлат давлат ичкарисида инвестицион фаолиятни ҳукумат тадбирлари орқали мувофиқлаштириб боради.

Инвестицион сиёсат дастлаб инвестицион муҳитнинг субъектив ташкил этувчиларига таъсир этади. Инвестицион муҳитни ривожлантиришга қаратилган инвестицион сиёсат соҳалари ичида қуидагиларни алоҳида кўрсатиш керак:

- давлат ва чет эл инвесторлари учун қулай механизм яратиш;
- капитал маблағлар самарадорлигини ошириш;
- инвестицион фаолият билан шуғулланишдаги риск даражасини камайтириш.

Инвестицион сиёсат охир-оқибатда мамалакатни барқарор ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши ҳамда аҳоли турмуш даржасини кўтаришга қаратилган бўлиши лозим. Дарҳақиқат, хорижий инвесторнинг кейинги қизиқишилари қўйилган капиталнинг қопланиш муддати, инвестицияларнинг капиталлашув жараёнлари, томонлар улушлари ва фойданинг бўлиниши, ва албатта, давлатдаги бозор иқтисодиёти муносабатларининг кечиши ва бунга халқаро ташкилотларнинг алоқалари масалаларига эътибор қаратилади.

Давлат инвестиция сиёсати қуидаги таркибий тузилишга эга бўлиб, ўз ичига қуидаги стратегик ва тактик тадбирларни қамраб олади:

- давлатнинг муҳим иқтисодий кўрсаткичларини прогнозлаштириш;
- иқтисодиёт тармоқларида молиявий сиёсатни белгилаш;
- давлат ва инвестор ўрасидаги муносабатларни меъёрий тартибга солиш;
- инвестицион махсулот харид қилиш бўйича давлат бюортмаларини яратиш.

Инвестиция сиёсатининг таркибий тузилиши ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлиб, давлат инвестиция сиёсати уларни йўналтирувчи дастлабки звеноси ҳисобланади. Давлат инвестиция сиёсати ҳудудий ва тармоқ инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга инновация ва хорижий инвестицияларни жорий қилишдаги бош режа ҳисобланади. Шунингдек, тармоқлар ҳамда хўжалик олиб борувчи корхоналар ва ташкилотлар (микро) даражасидаги инвестиция фаолияти учун “ўйин қоидаси” ни яратиб беради.

**Хулоса ва таклифлар.** Давлатимиз ва унинг алоҳида ҳудудлари иқтисодиёти самарадорлиги бевосита инвестиция сиёсатининг тавсифи ва миқиёсларига боғлиқ. Инвестициялар республикамиз ижтимоий-иктисодий ривожланишидаги ҳудудий фарқлар ва номутаносибликларни камайтиришнинг муҳим воситаси бўлиб, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳудудларда мавжуд табиий-иктисодий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга ва шу орқали иқтисодиётнинг ҳудудий таркибини такомиллаштиришга имкон беради.

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва тартибга солища Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Чет эллик

инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида", "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари унинг ҳуқуқий асоси бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005-йил 2-августдаги 180-сон қарорига асосан "Инвестиция шартномаларини тузиш ва амалга ошириш тартиби" тўғрисида низом мақулланган. Ушбу Низом "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига мувофиқ чет эллик инвесторларга қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) беришда улар билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан инвестиция шартномалари тузиш тартибини белгилайди. Чет эллик инвесторлар билан уларнинг қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериш билан боғлиқ бўлмаган инвестиция мажбуриятларини мустаҳкамлашга йўналтирилган шартномаларни тузиш ва амалга ошириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Президентимизнинг давлат иқтисодиёти ривожи учун ўта муҳим бўлган «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3594-сон Фармони ишлаб чиқариш соҳаларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияни жалб этиш, юртимизнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилиш билан бир қаторда, иқтисодиётни эркинлаштириш тўғрисида қўйилган муҳим қадамдир.

Республикамизда барпо қилинган қулай инвестицион муҳитнинг дастлабки омиллари - республикамиздаги қулай сиёсий барқарорлик, бой хом ашё ресурсларининг борлиги, қўшма тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси яратилганинигидир.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ҳукм суроётган хозирги дамда, иқтисодиётнинг реал сектор корхоналарини, шунинг билан бирга инфратузилма обьектлари такомиллашишини қўллаб-қувватлаш мақсадида инвестицион маблағларни қидириш ва уларни мақсадли йўналтириш муҳим омиллардан бирига айланмоқда.

Пандемия вақтида инвестицион муҳит инвестицион фаолият стратегиясини ишлаб чиқиши ва жорий этилишига ёрдам беради. Жумладан;

- пандемия ва ундан кейинги йилларда аҳолини озиқ-овқат товарларига бўлган эҳтиёжини қоплаш мақсадида, узоқ вақт ва катта инвестиция маблағлари талаб этмайдиган, қисқа вақтда даромад олиш ва иш ўринларини яратиш имконини берадиган мобил технологик линияларга устуворликни қаратиш, Мисол учун, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, гушт ва гушт ўрнини босадиган товарлар ишлаб чиқариш масалларига;

- маҳаллий инвесторларни рағбатлантириш, қонунчиликда хорижий инвесторларга мўлжалланган енгиллик ва имтиёзларни маҳаллий инвесторлар учун ҳам жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

- устувор деб, саналган соҳалардаги инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда ҳам хорижий ҳам маҳаллий инвесторлар учун қонунчилик талаблари 10-20 йилга ўзгармаслигини давлат томонидан кафолатланган тартибларини белгилаш. Ўзбекистоннинг инвестицион сиёсати қуидагиларга йўналтирилган бўлиши лозим:

- республика қонунчилиги камчиликларини йоқ қилишга уруниш;
- давлатнинг инвестицион сиёсати ноизчиллигини текислашга;
- ортиқча ишчи кучига эга бўлган ҳудудларга инвестицияларнинг қўплаб тўпланишига қулай шарт-шароит яратадиган инвестицион муҳитни шакллантиришга;
- ижтимоий масалаларни бартараф этишга;
- ҳудудлардаги инфратузилмани ривожлантиришга.

Бундан ташқари, маҳаллий давлат ҳокимият органлари хужалик юритувчи субъектларга солиқ, ишлаб чиқариш қувватлари, бино ва иншоотлар, каби масалаларда рағбатлантирувчи имтиёзларни бериш орқали ўз ҳудудларида инвестицион фаолликка эришишлари мумкин. Бу тадбирларнинг хаммаси инвестицион муҳитни яхшиланиши ҳамда инвестицияларнинг бирлашишига олиб келади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, ривожланган давлатларнинг тажрибаси, босиб ўтган йўли, иқтисодий ривожланишни таъминлаш йўлида давлатнинг инвестицион муҳитни соғломлаштириш юзасидан қабул қилган қонунлари, ишлаб чиқсан қарорларини ўрганиш, инвестициялари кенгроқ жалб этиш бўйича ишлаб чиқсан усул ва услубларининг керакли жиҳатларини Ўзбекистон шароитига татбиқ этиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Зоро, тўпланган тажрибаларни давлатнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда жорий этилиши, таваккалчиликни пасайтиришга, мавҳумликни олди олинишига, юқори самарадорликнинг таъмин этилишига олиб келади. Ушбу таклиф ва тавсияларнинг амалиётга самарали татбиқ этилиши Ўзбекистон иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш имконини яратади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Аскинадзи, В. М. Инвестиции: учебник для бакалавров / В. М. Аскинадзи, В. Ф. Максимова. — Москва: Издательство Юрайт, 2019. — 422 с. ISBN 978-5-9916-3431
2. Игорь Клюшнев, Тамара Теплова, Дмитрий Панченко, Манн, Иванов и Фербер Фондовый рынок США для начинающих инвесторов, 2016.

3. Ричард Ферри. Манн, Иванов и Фербер всё о распределении активов, 2017.
4. Саймон Вайн. Альпина Паблишер Инвестиции и трейдинг, 2018.
5. Эдвин Лефевр. Попурри Воспоминания биржевого спекулянта, 2018.
6. Krugman P. Market Structure and International Trade –Cambridge, Mass: MIT press 1995.
7. Khan M.S. and Villanueva D. Macroeconomic Policies and Long term Growth: A Conceptual and Empirical Review // IMF Working Paper. 2005.
8. [Benjamin Graham](#), Jason Zweig The Intelligent Investor: The Definitive Book on Value Investing. A Book of Practical Counse Harper Business, February 2016
9. John C. Bogle The Little Book of Common Sense Investing: The Only Way to Guarantee Your Fair Share of Stock Market Returns (Little Books. Big Profits), Wiley publishing, 304 p, 2017.
10. Ёзиев Ф. Ўзбекистонда бизнес муҳитини яхшилашнинг зарурий чоралари: Корея Республикаси тажрибаси таҳлили, Ўзбекистон Корейсшунослиги, Т., Истиқлол, 2016. 132 б.
11. Ешов М., Мирзайев Ш., Турсунов А., Инвестиция маҳорати, Асахий, 168 бет, 2020 йил.
12. Маматов Б, Хўжамқулов Д, Нурбеков О., Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш, Т.:Иқтисод Молия, 608 бет, 2014.
13. Vaxabov A.V., Xajibakiyev Sh.X Raxmanov Sh.I. , Usmanova X.A. „Jahon Iqtisodiyoti va Xalqaro Iqtisodiy Munosabatlar”—Iqtisod-Moliya T. -2014.
14. Исмаилова Н.С., Шагазатов У.У. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. .-Т.: «IQTISODIYOT», 2019.-244
15. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. № 5, сентябр-октябр, 2020 йил
16. Journal of International Finance and Accounting. Issue 1. February 2021. ISSN: 2181-1016
- 17..[www.mineconomy.uz](http://www.mineconomy.uz) (Иқтисодиёт вазирлиги);
- 18.[www.mf.uz](http://www.mf.uz) (Молия вазирлиги);
- 19.[www.mfer.uz](http://www.mfer.uz) (Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги);
20. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси);
- 21.[www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) (Марказий банк);
- 22.<https://www.moodys.com/researchandrating?lang=en&cy=aus>
- 23.<https://www.worldbank.org>
- 24.[www.tradingeconomics.com](http://www.tradingeconomics.com)
- 25.<http://www.doingbusiness.org>
- 26.<http://weforum.org>
27. [http://unctad.org/section/dite\\_dir/docs/wir2018/wir18\\_fs\\_hk\\_en.pdf](http://unctad.org/section/dite_dir/docs/wir2018/wir18_fs_hk_en.pdf)